



## БОШЛАНҒИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Муҳаммадиева Мўътабар

Сурхондарё вилояти, Қзириқ туманидаги

32- мактабининг ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6336670>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi:17-fevral 2022

Ma'qullandi:22-fevral 2022

Chop etildi:27-fevral 2022

### KALIT SO'ZLAR

бошланғич синф,  
математика дарслари,  
ахборот  
технологиялари,  
таълим сифати,  
мўлжал олиш,  
объектларни таниш,  
ҳодисаларни кузатиш.

### ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада бошланғич синф математика дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш ва шу асосда таълим сифатига оид айрим масалалар баён этилган. Дарсларда ахборот технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг мўлжал олиш, объектларни таниш, ҳодисаларни кузатиш, уларни таққослаш, ўхшашлик ва фарқли томонларини аниқлаш, умумлаштириш ва хулоса чиқаришга ундаши қайд этилган.

Бугунги кунда республикамизнинг таълим соҳасида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини тубдан такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибалар, илмий изланишлар ва замонавий технологияларни бошланғич таълим жараёнига интеграция қилиш, билиш фаолиятини шакллантириш орқали бошланғич синф ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини ўстириш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Таълим тизимида бошланғич синф ўқувчиларига математика фанини ўргатишда ахборот таълим ресурслари,

иқтидорли ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш учун ижодий материаллар тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, фанга бўлган қизиқишни ўстириш билан бир қаторда, Давлат таълим стандартида математика фани доирасида келтирилган билим, кўникма ва малакаларни ҳаётда қўллаш олиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Таҳлил этилган ҳуқуқий-меъёрий асосларга кўра, ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳозирги кунда жаҳон талаби даражасига кўтарилганлиги ва уни таълим жараёнига сермахсул усулларда татбиқ этиш талаб



этилади. Юсак натижага эришиш учун меъёрий-ҳуқуқий базани асос қилиб олиш, сўнг ахборот технологияларидан фойдаланишнинг дидактик асосларини янги усул ва йўллардан фойдаланиб ташкил этиш, уларни таълим мазмунига сингдириш ҳамда уларнинг замирида ўқувчиларда фанга доир таянч компетенцияларни шакллантириш лозим.

1-4-синфлар учун математика дарсларида танланган дидактик асослар орқали ахборот технологияларидан фойдаланишга йўналтирилган ижодий материаллар мазмуни ва уларни танлаш, танланган материаллар математика фанининг ўқув режаси ва дастури талабларига мос келишига, ўқувчиларнинг билимларни қийналмасдан ўзлаштириб олишига, уларнинг илмий дунёқарашини, амалий тафаккурини кенгайтиришига, мустақил ва ижодий фикрлашини, мантиқий мушоҳада юритишини ўстиришига ва шу каби қатор вазифаларни қамраб олишига эътибор қаратилди. Булар эса ўз навбатида халқаро баҳолаш тизимига кирувчи PISA va TIMSS топшириқларини ечишда тайёргарлик вазифаларини ўтайди.

Бошланғич синф ўқувчиларига математик тушунчалар, ҳаракат жараёни, соннинг улуши ва каср сонни топишга доир масалаларни тушунтириш учун 14 энг мақбул усул, восита ва методларни танлаш лозимлиги, танланган методлар кўргазмалиликни таъминлаши, усуллар эса ижодий тафаккур қилишга ундаши лозимлиги баён этилган. Ҳар бир восита мавзу моҳиятини осон тушунишга, ижодий топшириқларни мустақил еча олишга, фанга доир қизиқишни ўстиришга, маълум компетентликни шакллантиришга хизмат қилиши зарурлиги ёритиб берилди.

Ўқув жараёнида ахборот технологияларини қўллаш боланинг амалий тафаккурини ўстиришда, таянч компетенцияларни шакллантиришда

ўқувчиларда илмий ва амалий кўникмаларни шакллантириш;

ўзлаштириш доирасидан келиб чиққан ҳолда танланган мавзуни етказишда кўргазмалиликдан фойдаланиш;

кўргазмалилик мазмунини инновацион технологиялар базаси билан кенгайтириш;

ўқув материаллари ва танланадиган мавзулар моҳиятини продуктив, репродуктив ва когнитив мазмун билан бойитиш;

ижодий топшириқлар мазмунида таълим жараёнига олиб киришнинг интегратив, компетенциявий ва фанлараро алоқадорлик ёндашувларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Бошланғич синфларда математика фанини ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитишда:

ўқувчиларни халқаро баҳолаш тизимига (PISA VA TIMSS) жавоб берадиган қилиб тарбиялашда табақалаштириш асосида ишлаб чиқилган махсус схема ва методик манба ёрдамида таълим жараёнини ташкил этиш лозим.

бошланғич синф математика дарсларида ҳаракат жараёнига доир, соннинг улуши ва каср сон тушунчаларини ахборот технологияларидан фойдаланиб ўргатишга доир тавсиялар, илмий ва амалий ёндашувлар ишлаб чиқилиши ва таълим мазмунига сингдирилиши зарур.

тадқиқот ишимиз давомида ишлаб чиқилган бошланғич синфларда ўқувчиларни масала ечишга ўргатишда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича яратилган илмий-методик



тавсияларни оммалаштириш ҳамда ўринли ва унумли фойдаланишга эришиш лозим.

Хулоса, бошланғич синфларда математика фанидан билимларни эгаллаш, фаннинг долзарб масалаларини аниқлаш ва ўқувчиларга етказа олиш, мавзуларга доир метод ва технологияларни ижодий қўллай олиш, фактларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, шу асосда хулоса чиқара олиш, жамият ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари мазмуни ва аҳамиятини тушуниш, мавзулар асосида

инновацион ва замонавий илғор технологияларни қўллай олиш, интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий методлари, усуллари ва воситаларига, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникма ва малакаларига эга бўлиш, математика дарсларида нафақат ўқувчиларнинг амалий тафаккурини, балки боғланишли нутқини ўстиришга доир методик базани шакллантиришда имкон қолдиради.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Авлиёкулов Н.Х.. Замонавий ўқитиш технологиялари.- Бухоро. Матбаа, 2001 йил.
2. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар. Т., 2010-йил.
3. Абдуллаева Ҳ.А., Бикбоева Н.У. ва бошқалар. Бошланғич таълим концепцияси. – Т.: «Бошланғич таълим», 1998.
4. Гаффорова Т. Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар. - Т.: «Тафаккур», 2011.
5. Ахмедова Н., Иноятова М., Матназарова К. Бошланғич таълимдаги муаммоларни бартараф этиш йўллари. Методик тавсиялар. – Т.: [library.ziyonet.uz/ru/book/download/16233](http://library.ziyonet.uz/ru/book/download/16233), 2015.